



## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Сана: 29 апрел 2017 йил

“Фаргона худудий электр тармоқлари  
корхонаси” акциядорлик жамияти акциядорларига

Манзили “Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти. Фаргона шаҳри Кувасой кўчаси 74-А уйда жойлашган. АТБ Саноатқурилиш банк Фаргона бўлими. х/р 2021 0000 2002 1528 9001. МФО 00494. Окэд 11170. ИНН 200 144 930

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Б.Маргиноний-147 уй. ХАБ “TRAST BANK” Фаргона ш. х/р 2020 8000 1009 2188 6001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел (0 373) 2416448 email: [tttaudit@mail.ru](mailto:tttaudit@mail.ru). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳукуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош директори бош аудитор САР Ботиров М Х томонидан (Аудитор малака сертификати №- 05052 25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект “Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси” Ф-1, “Молиявий натижалар” Ф-2, “Хусусий капитал” Ф-3, “Пул окимлари тўғрисидаги ҳисобот” Ф-4 шаклларида иборат 2016 йил 01 январидан- 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.


Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Фаргона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош  
директори, бош аудитор САР



*[Handwritten signature]*  
Ботиров МХ

Аудитор малака сертификати № 05052  
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги  
томонидан берилган